
ВИЛОЯТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН УЗУМ ВА БОШҚА МЕВАЛАР ҚАДОҚЛАНИБ, АҚШ, ЕВРОПА ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРГА ЭКСПОРТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Хусусан, Олтиарқ тұманиндағи “Sherakhun” хусусий корхонаси томонидан бунинг учун замонавий қадоқлаш технологияси олиб келиниб, ўрнатилди.

Вилоят раҳбари мазкур корхонанинг логистика марказида иш жараёнини кўздан кечирди.

Айни кунларда бу еда узум, шафтоли ва бошқа маҳсулотлар қадоқланиб, экспортга жўнатилмоқда. Хусусан, АҚШ ва Польшага сотиш учун шартномалар тузилди.

Ўтган йилда синов тариқасида Қўшма Штатларга юборилган 1 тонна узум “NetCost” озиқ-овқат савдо марказлари тармоғининг Нью-Йорк нуқталарига қадоқланиб тарқатилди ва икки куннинг ичидаги талаш бўлиб сотилди. Бу йил ҳам сархил меваларга талаб катта ортмоқда.

Вилоят раҳбари томонидан қадоқлаш дастгоҳларини янада кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш борасида кўрсатмалар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-20 14:07:11